

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ОМИЛИ

Азимов Аширали Мехмонбоевич

Андижон давлат тиббиёт институти

Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида чора тадбирлар кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: устувор, республика, тарбиялаш, ижтимоий

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида демократик ҳуқуқий давлат қурилиши инсон ҳуқуқлари, айниқса хотин-қизларнинг ижтимоий мақоми масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилди. Шундай бўлса-да республикамизда ҳар томонлама баркамол авлод, муносиб фарзандлар тарбиялаш, янгича тафаккур қобилятига эга ёшларнинг келажаги аёлларнинг ижтимоий мақоми ва функционалиги ижтимоий заруратга айланди. Бу ҳол Ўзбекистон ҳукуматининг қабул қилган бир қатор меъёрий ҳужжатларида ўз ифодасини топди¹. Мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий мақомини мустаҳкамлаш асосида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ташкилий тадбиркорлик соҳаларида ўзларини тўлақонли эркин иштирокини таъминлашда ўзига хос ҳуқуқий база яратилди. Натижада, улар давлат ва жамият бошқарув тизимида фаол кириб боришида жиддий қўллаб-қувватлашга эришилиб, ҳокимиятнинг барча тизими ва босқичларида фаолияти учун имкониятлар эшиги очилди. ОАВда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқий маданиятининг юксалиши ҳусусида “Хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари

¹ “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Президенти Фармони // Халқ сўзи. – 1995. – 2 март; “Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари Давлат дастури”// Халқ сўзи. – 1999. – 18 февраль; Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. – 2004. – 25 май.

Асосий Қонунимиз бўлган Конституциядан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик, Меҳнат кодексларида, аҳолининг бандлиги, Олий Мажлисга сайловлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳақидаги қонунларда ўз ифодасини топиши” билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг фармонлар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида фикр-мулоҳазалар олға сурилган². Хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятида сайловлар орқали таъминлаш учун сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатиш жараёнида номзодларнинг умумий миқдорига нисбатан камида ўттиз фоизини аёллар квотасига белгиланиши билан ҳам далиллаш мумкин. Чунки, давлат бошқаруви жараёнлари, айниқса сайловлардаги аёлларнинг фаоллиги ўз номзодларни қўйиш билан бирга сиёсий курашда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортади. Республикамиздаги аёлларнинг ижтимоий мақомини юксалиши, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этилиши туфайли минтақа давлатлари орасида илк бора БМТнинг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги (CEDAW) Конвенциясига қабул қилинди. Бу ҳол республикада хотин-қизларнинг ҳуқуқларига оид ишларнинг жиддий яхшилаш орқали 2001 йилнинг 1 январиди мазкур халқаро нуфузли ташкилотнинг сессиясида Миллий Ҳисобот тақдими эшитилди. Натижада, аёллар масаласи юзасидан Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, давлат миёсида тадбирлар тизими амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояси, оилавий турмуш муаммоларини ўз вақтида ечими, ижтимоий инқироз ҳолатида психологик ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат марказлари ташкили ҳам муҳим аҳамият касб этди. Республика ҳудудида “Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш” юзасида доимий иш юритувчи кўникма марказлари иш бошлади. Унинг фаолиятига барача зарурий моддий-техника. Молиявий маблағлар билан бирга мутахассислар жалб этилди. Айниқса,

² Аёл, оила ва жамият // <http://old.adolatnashr.uz/page/ayol-oila-va-zhamiyat> (Мурожаат муддати 23.10. 2021)

аёлларнинг бандлик муаммоларини ҳал этишда мазкур марказлар “устоз-шоғирд” тамойилларида хотин-қизларни қайта касбий тайёргарлигида самарали иш юритди.

Юртимизда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий. Сиёсий-соданий нуфузини юксалтириш соҳасида эришилган ютуқларнинг миллий сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги хусусида Т. Нарбаева “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Академик”, “Сенатор”, “Депутат”, “Вазир”, “Вазир ўринбосари”, “Олима” каби янги сиёсий жиҳатларини санаб ўтган. Жумладан, “уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятини кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим масалалари қаторидан жой олди”, деган фикрларида ўз ифодасини топган³. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги уларнинг оналик, яъни соғлом фарзанд кўриш, оилавий турмушига зарар етказмаслиги ҳам эътиборга олинган. Шу маънода турмуш фаровонлиги, озиқ-овқат ва ўзга маҳсулотларни истеъмолида репродуктив қобилиятига алоҳида урғу берилмоқда. Фикримизни ҳукумат томонидан “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида”ги Қарори билан далиллаш мумкин. Қарорга кўра меҳнат қилаётган аёлларнинг даромадига солиқ даражасида максимал миқдор 20 фоиз қилиб белгиланди. Айни вақтда уларнинг пенсия ёши 55 ёш белгиланиши билан бирга яна бир қатор меҳнат имтиёзлари яратилди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалиши 1995 йилда Халқаро хотин-қизларининг Пекин IV конференциясида “Тинчлик, тараққиёт ва тенглик” дастуридаги иштироқи ҳам яна бир бор тасдиқлади. Натижада, республикамизда аёлларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан манфаатларини ҳимояси “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларга доир қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом авлод, экология, халқаро ҳамкорлик, аёлларнинг бандлиги, аёл ва оила, маҳалла, аёллар маърифати, таълим-тарбияси йўналишларида дастурлар ишлаб чиқилиши муҳим воқеа бўлди. Мазкур концепция

³ Нарбаева Т. К. Таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлигида хотин-қизларнинг ўрни // Хотин -қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили мавзусидани конференция мақолаларининг. тўплами. –Т.: ТДИУ, 2019. – Б. 5.

юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётидаги демократик ўзгаришлардан дарак беради. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов халқимизнинг асрий анъаналарини ҳисобга олиб, «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эътибор муҳитини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил бўлишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида 2016 йил Ўзбекистонда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилишни таклиф этди⁴. Ушбу дастурни қабул қилиш хотин-қизларнинг тиббий соғломлаштириш, оналик ва болаликка ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш: озиқ-овқат, турмуш тарзи сифати ва даражаси, фарзанд парваришида тиббий хизматни талаб даражасида амалга ошириш каби муаммоларга жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги соҳасидаги сиёсатида ўзбек халқининг минг йиллик бой маданияти, миллий қадрият ва анъаналарига таянган ҳолда соғлом фарзанд соғлом оиладан” концепти доирасида дастуриш иш юритди. Республика тиббиёти энг янги тиббий ускуна ва асбоблар билан жиҳозланиб, диагностика, скрининг, перинатал шифохоналар тизими ва туғруқхоналар ишида бир қатор оналик ва боллик саломатлигига доир ислохотлар амалга оширилди. Демократик янгиланиш туфайли юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги давлат, жамият ва инсон муносабатларида янги саҳифани очиб берди. Уларнинг ижтимоий онги, феъл-атвори, ижтимоий мўлжалларида ўзгаришлар барча соҳадаги фаолиятида ҳаётий мазмун ва мақсадлари ижобий томонга ўзгариб кетди. Янги Ўзбекистонда аёллар фаол меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланиб, улар ҳарбий-мудофаа, жамоат тартибини сақлаш каби соҳаларда ҳам муносиб иш

⁴ Ўзбекистон Республикасида «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури // <https://lex.uz/docs/2903502> (Мурожаат муддати 23.10.2021)

юритмоқдалар. Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий ҳуқуқий мақомини кафолатлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши уларнинг ҳуқуқий турмуш тарзини янада шакллантириши билан анъанавий тафаккуридаги ўзининг “ожиза”лигидан тўлақонлиги инсон ҳуқуқий тафаккури ҳосил қилинади. Мазкур қонунда “жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар”ни назарда тутилган⁵. Мазкур норматив ҳужжатнинг мақсади хотин-қизларнинг ижтимоий мақомини кафолатларига қаратилган ҳуқуқий ҳимоя сифатида муҳим аҳамият касб этди. Бу қонун хотин-қизларнинг турмуш тарзи, тафаккур шакли, феъл-атвори, ижтимоий кайфиятларига модернизациялашига олиб келди. Натижада, аёлнинг миллий менталитетида оммавий маданият қадриятлари шаклланиши кузатилмоқда. Хотин-қизларнинг ўзбек халқи турмуш этномаданиятига таъсир этиб, кўп асрлик аёл ва эркак муносабатида “тенгсизлик”нинг ижтимоий асосларига қарши қаратилган қонун эди. Шу ўринда ўзбек жамияти ижтимоий муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш муаммоси миллий-диний меъёрлар билан тартибга солинган. Шу маънода биз проф. Ф.Мухитдинованинг инсон ҳуқуқи кафолатланган “...бир пайтда, ҳали ҳам оилавий низоларнинг жуда катта қисми эркаклар томонидан аёл ҳуқуқларининг тан олинмаслик ҳолатлари шунингдек, айрим ҳолатларда жамиятда ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларига етарлича аҳамият берилмаётгани ҳақиқатдир”, деган фикрига қўшила олмаймиз⁶. Чунки, республикамизда хотин-қизларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан тўла таъминланган. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини мутлақ таъминоти дунёнинг ривожланган мамлакатларида таъминлаш муаммоларни ОАВда эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг халқаро

⁵ “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни № 562 // Халқ сўзи. – 2019. – 2 сентябрь

⁶ Мухитдинова Ф. Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари // <https://yuz.uz/news/yangilanayotgan-ozbekistonda-gender-tenglikning-huquqiy-asoslari> (Мурожаат санаси 24.10.2021)

шартномаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида белгиланган шартнома қоидаларни бажарилиши юзасидан нуфузли кенгашларда ҳам тасдиқлангани юқорида зикр этилган. Бизнинг фикримизча, халқаро ташкилотлар ва феминистик ҳаракатлар томонидан муслмон мамлакатларига анъанавий тарзда гендер — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан каби тармоқларидаги жиҳат ва хусусиятлари маданий-маънавий омили билан боғлиқлигини тан олиш жоиз. Инсон ҳуқуқи нуқтаи назардан аёллар манфаатларининг ҳимояси эркакнинг ҳуқуқига дахл қилиши билан ижтимоий маданиятга таҳдид солади. Ҳар бир жамият тенглик омилини оқилона қўллаши, эркак билан аёлни тенглиги уларнинг жинсига, айти вақтда уларнинг биофизиологик ҳолатига ҳам жиддий таъсир этиши табиий ҳолдир. Эркак ва аёлга “ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёт сифатини ошириш”да этноконфессионал тамойиллар билан бирга аёлнинг ижтимоий хоҳиш-иродасини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Ўзга халқларнинг гендер тенглиги қолипларини миллатимизга “импорти” ўзбек халқи миллий маданияти ва турмуш тарзига салбий таъсир этади. Чунки, миллатнинг тили миллат бўлиши учун қанчалик ҳимояга муҳтож бўлса этномаданияти ҳам шунчалик муҳофазаланиши керак. Шунинг учун эркак ва аёлнинг тенглиги амалдаги қонунларда белгиланган бўлиб, унинг бузилган конкрет аёлнинг ҳуқуқи конкрет юридик ҳал этилиши муҳимдир. Шунинг учун гендер тенглиги алоҳида компаниявозлик билан амалга оширилиши ижойликдан кўра салбий натижа бериши тайиндир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи аёл ва эркак доирасида тенглик ва адолат тамойилларида ўрнатилган бўлиб, илм фаннинг сиёсатга хизмат қилиши, халқаро умуминсоний қадриятларнинг миллий турмуш тарзимизга маъмурий қўллашга уруниш ижобий натижа бермайди. Шу маънода кейинги йилларда Олий Мажлисида миллий-ахлоқий қадриятларга зид келган халқаро нормаларни ратификациясидан воз кечилиши тажрибасини биз қўллаб қувватлаймиз. Гендер тенглиги муаммосини асослашда мутахассислар асосиз равишда 1791 йилда Олимпия Де Гужнинг “Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи декларацияси”га ҳавола берадилар. Ваҳоланки, мазкур декларация

француз жамияти инқилоби томонидан қабул қилинган бўлса-да, лекин феминизм ҳаракатида ҳам тан олинмаган. Чунки, у француз ижтимоий муҳитини, инқилоб манфаатларин тўла ифода эта олмай, унинг соҳиббаси қатл этилган⁷. Шу маънода юртимизда гендер тенглигининг асослари амалдаги Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар», деб мустаҳкамланиши билан умуминсоний ва миллий ҳуқуқий асоси тасдиқланган. Республикамизда гендер ижтимоий-ҳуқуқий тенгликни ўрнатиб, ҳар бир фуқарони ҳуқуқини таъминлаш учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш эса ўзгача муаммодир. Гендер тенглигини таъминлаш учун хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида урғу беришдан кўра амалдаги қонунийликни ўрнатиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муаммоси диссертация муаммосининг ечимида муҳим амолдир. Шу ўринда мутахассислар халқаро нуфузли ташкилотларнинг тадқиқотлари аёл ва эркакнинг гендер тенглигини дунё миқёсида ҳам таъминлашнинг реал имкониятлари мавжуд эмаслигини тан олганлигини аниқлаган⁸. Гендер тенглиги муаммосида аёлнинг жинс бўйича камситишга доир айрим ижтимоий муносабатлар мавжудлигини ҳам ёдда тутиш даркор. Бунга бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифасидаги фарқлар, муддатли ҳарбий хизмат мажбурияти, хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнатида репродуктив саломатлилик хусусиятлари, касбий малакавий тавсиялар, жазо муддатини ўташдаги шарт-шароитлар фарқи билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу ҳолатда эркак ва аёлнинг идентивлик хусусияти билан аёллиги учун камситилганлигини ваколатли суд органлари орқали ҳимоя қилиши миллий қонунчиликни устуворлигини таъминлаши билан аёлларнинг маънавий ахлоқини англашга имкон беради. Бизнинг тажрибамизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун “барча аёлларнинг ҳамма эркакларга қарши уруши” ҳолатини келтириб чиқариши билан хатарлидир.

⁷Декларация прав женщины и гражданки. Олимпия де Гуж // <https://ru.wikipedia.org/wiki> (Мурожаат санаси 24. 10. 2021)

⁸ Мухитдинова Ф. Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари // <https://yuz.uz/news/yangilanayotgan-ozbekistonda-gender-tenglikning-huquqiy-asoslari> (Мурожаат санаси 24.10.2021)